



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 30 декабрь, шанба

№100 (11.285)

Эркин нархда сотилади

КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛ, ЯНГИ АСР. ЯНГИ МИНГИЙЛИК МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

АСР ОСТОНАСИДА

Азиз юртдошлар!

Бугунги сўзларимиз дилимиздаги, тилимиздаги энг эзгу сўзлардир... Бундан йигирма-ўттиз йил аввал: «2001 йил бошланиб, янги аср келади», дейишса, кулиб қўяқолардик: «Янги аср қаёқдаю биз қаёқдамиз!» Доно халқимиз тўри айтган экан: «Қўринган тоғнинг олдислиги йўқ». Мана, бугун XXI асрнинг остонасида турибмиз.

Қаранг, 2000 йилни — айна пайтда XX асрни ҳам — якунлаяпмиз. Ҳар йилдагидек бир йил давомида сизларга ҳамроҳ бўлдик. Ўртимизда, вилоятимизда рўй берган буюк ўзгаришларни, энг яхши бунёдкорликларни, янгилликларни сизга етказдик, бирга суюндик, бирга куюндик. Далалардаги меҳнатларингизда, корхоналардаги юрт учун зарур юмушларингизни бажаришда, дам олиш чоғингизда, сизга муносиб сўхбатдош бўла олган бўлсак, бошимиз осмонга етди. Бугун қўлингизда «Тошкент ҳақиқати»нинг 2000 йилдаги, демакки, XX асрдаги сўнгги сони турибди. Мабоодо ундан кўнглингиз тўлмаган жойлари бўлса, ижодий жамоамиз янги асрда, албатта, бу «қарзини» узишга, ишончингизни оқлашга ҳаракат қилади.

Шундай қилиб яна бир йилмиз тарихга айланди. Бир йил. Аслида тарих олдида бир зарра. Лекин бу даврда мамлакатимизда шундай оламшумул воқеалар рўй бердики, ундан фахрланасан арзийди. XX аср ҳақида гап кетганда кўз ўнгимизда қанчадан-қанча воқеалар гавдаланади. Лекин бизга: «Асрингнинг энг буюк воқеасини айт», дейишса: «Жонажон Ўзбекистоннинг истиқлолга эришгани», деган бўлардик. Миллионлаб ватандошларимиз ҳам шундай дейишга аминмиз.

Истиқлол бизга нима берди? Бу саволга жавоб бериш учун кейинги ўн йилликка бир бора назар солишнинг ўзи кифоядир. Муσταқиллик кўксимизни тоғ қилгани ҳолда ўзлгимизнинг ёпиқ эшикларини ҳам очиб берди. Дунё Ўзбекистонни тан олди. Ўзбекистон дунёни таниди. Неча йиллар таъқиқда бўлган кадрларимиз, аъналаримиз қайта тикланди. Амир Темур, Ҳожа Аҳмад Ясавий, Баҳоуддин Нахшбанд, Имом ат-Термизий, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Бурхониддин ал-Марғиноний, Имом ал-Мотуридий, Чўпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Элбек каби алломаларнинг, шоирларнинг тавааллуд тўйларини ўтказдик. Бухорои Шариф, Хивадек қадим шаҳарларимизнинг 2500 йилликларини нишонладик. Камолиддин Бехзоддек мусаввирнинг 545 ёшга тўлиши халқимизнинг маънавий байрамига айланди. Янги асрнинг ilk йилда юртимизнинг жанубий нуқтаси Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги, муқаддас битиклар мажмуаси «Авесто»нинг 2700 йиллигини нишонлаш тадбири кўрмоқдамиз.

Амир Темур бобомиз бизнинг қимлигимизни билмоқчи бўлсангиз кўрган иморатларимизни кўринг, деган эканлар. Истиқлол даври — тўққиз йил халқимизнинг ана шу фазилатларини қайта тиклади, намоян қилди.

Тўққиз йил ичида қурилган-саройларнинг, иншоотларнинг, йўлларнинг, кўприкларнинг — уларнинг жуда кўпчилиги вилоятимизда кўр тўқиб турибди — сонини санаб адо қилиб бўладими?! Буларнинг ҳаммасини доно ва узоқни кўрадиган Президентимиз бош бўлган, ўз қадрини тугал англаб етган, ҳидоятга юз бурган, ўзлгини қайта улуғлаган халқимиз амалга оширди. Буларнинг ҳаммасига сиз ва биз гувоҳмиз, ўзига мос, ўзига хос тараққиёт йўлидан бораётган халқимиз XXI аср тинчлик асри, бахт асри, жаҳондаги барча халқларнинг биродарлиги асри бўлади, деб ният қилиб турипти.

Мўҳтарам юртдошлар! Яхшилиги эзгуликлар қалбимизни қанчалар тоғ этмасин, дилимизни ғаш қиладиган кўнгилсизликларга ҳам дуч келдик. Жаҳонда дўст қанча кўп бўлса ғаним шунчалик бисёр экан. 1999 йил февралдаги Тошкентда, 2000 йил август-сентябрда Ўзун ва Сарисойе, Бўстонлик туманларида бўлиб ўтган муҳим воқеалар ёдимиздан чиқадими? Асло. Бу бизни яна бир бор Ватанимиз, истиқлолнинг қадрига етишга, уни асраб-авайлашга, ўз қадр-қимматимизни йўлда янада хушёр турмоққа ундади.

Еримиз ўз ўқи атрофида бир маромада айланиб турибди. Бундай кезларда эришилган ижобий ютуқлару, бой берилган имкониятлар, янги режалар бир-бир кўз олдингиздан ўтади. Беихтиёр янги асрга нималардан воз кечиб, нималарни олиб ўтмоқни ўйлаб қоласиз. Ниятимиз, орзуларимиз бисёр, жуда бисёр. Илоҳо, учинчи мингйилликнинг ҳар бир куни нурларга йўғрилсин! Илоҳо бу асрда ушалмаган орзуларимиз, ниятларимиз XXI асрда ушалсин.

Яхшилиги мил-мил, биз энг олий тилакларимизни боғлаганимиз янги асрингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар! Ҳамиша бирдан бири улуғвор марраларни забт этганда, муσταқиллигимизнинг шодиена айёмларида ёруғ юз билан дийдор кўришайлик.



ЮРАГИМДА ШУНДАЙИН ТЎЛҚИН

Шундай бўлиб келган то абад,
Вақт ўлчовин олади соат.
Бир асрга етган бу тоқат —
Тоқ бўлади милларга боқиб,
Янги аср остонасида.

Кел, ватандош, дил сўзини айт,
Дилдан сўзлаш палласи бу пайт.
Сарҳисоб қил, эт умрингни қайд.
Армонларинг кетмасин ёқиб,
Янги аср остонасида.

Ҳар гўшада тўқис, омонлик,
Янги аср — янги доовонлик.
Кўрма асло-асло ёмонлик,
Қутлашайлик чехралар балқиб,
Янги аср остонасида.

Асрим кечди дардли, долғали,
Гоҳи қилич, гоҳи болғали,
Ёнди охир ҳурилиқ машади,
Кетди қуллиқ талғаси, талхи,
Янги аср остонасида.

Йиллар ўтар, мисол қарвон,
Янги йилдир уларга сарвон.
Йиллар яна ўзгўйган инсон —
Юрагидо чакнасин ёқин,
Янги аср қошонасида.

Не тилларман қутлуғ оғингда:
Тилчилик — ҳам бўлсин жонингга,
Муσταқиллик сингил қонингга,
Ризқ-руз тўқсин дастурхонингга.
Тангир ўзбек, эй она халқим,
Янги аср қошонасида.

Минг баҳорлар бўлсин парвона,
Ҳар жабҳанда яшаб мардона,
Яхшиликка доим бўл она,
Юрагимда шундайин тўлқин,
Янги аср остонасида.

Дуоларга очар бўлсак қўл,
Янги йилим, шарафларга тўл,
Сен ҳам Темур доим сафдо бўл,
Ашборинг ёз, заҳматкаш бўлиб,
Янги йилнинг қошонасида.

Умринг пойдор бўлиб, ватандош,
Кўзларингга ҳеч инмасин ёш,
Бошинг узра порласин қўёш,
Ўнгил доим қувончга тўлиб,
Зафарларинг лешонасида.
Темур УБАЙДУЛЛО.

ҚИШДА ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ

Юртимиз далаларида йил-ўн икки ой давомида мўл сабзавот ва мева етиштириш мумкин. Буни Қибрай туманидаги «Лимонарий» ширкат хўжалиги деҳқонлари амалда исботлаб келмоқда. Жорий йил хўжалик учун муваффақиятли келди. Очқ майдонлардан 1 минг 280

тонна сабзавот, 50 тонна мева териб олинди. Бу режадагидан уч баравар кўп демакдир. Айна кунларда ҳам мавжуд 24 гектар иссиқхонада пишиқчилик пайти. Ҳозиргача тадбир-

кор деҳқонлар шаҳарликлар дастурхонига иссиқхона неъматларидан 115 тонна помидор, 19 тонна бодринг, 9 тоннадан зиёд қўкат, шунингдек 28 тонна лимон териб топширди. Ҳосилдорлик ҳам

чақки эмас. Ҳар квадрат метр майдондан ҳозиргача ўртача олти-етти килограммдан помидор олинди. Миришкор деҳқонларнинг тадбиркорлиги туфайли йил якунига кура хўжалик кўраётган соф фойда 20 миллион сўмдан ошиши кутилмоқда.

Н.ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Бир тўрт саволга жавоб

Тарихга айланган XX асрга нечук таъриф берган бўлардингиз, XXI асрни қандай тасаввур қиласиз?

1 СЕНДАН РОЗИМАН, АСРИМ

XX аср таърифларга сиғмайдиган аср бўлди. Фақат битта ўзимнинг бошимга тушган кемишларимни айтсам, том-том китоб бўлади. Не-не қийин йўллардан юрмадим. 1950 йилнинг 5 мартда қўлларимга кишан солиб, Чўпонлар, Қодирийлар, Фитратлар келган йўлдан олиб кетишди. 1997 йилнинг 5 декабрида Мустанил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримовнинг қўлидан «Буюк хизматлари учун» орденини олдим. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига мушарраф бўлдим. Буларнинг ҳаммаси XX асрда бўлди. У қанчалар турфа бўлмасин, мен учун унутилмасдир. Шу асрда Ватанимнинг эрка етганини кўрдим, бу Тангрининг энг улғу инъоми деб билдим.

XXI аср деясиз. Келгуси мингйиллик фақат яхшилик, тинчлик, мурося, иззат-ҳурмат асри бўлсин. Юртимизнинг шон-шавкати жаҳонни тутган аср бўлсин. Одамзот кишан, қуллиқ, ҳўрликни кўрмайдиган аср бўлсин. Ватанимнинг яхши кунларида қорига яраб, бир оғиз ширин сўз айтиш, кўпнинг қаторида менга ҳам насиб этсин.

Санд АҲМАД,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

2 МАРРА, ШУБҲАСИЗ, БИЗНИКИ БЎЛАЖАК

XX аср бизнинг миллатимиз учун, нихоят муσταқилликка эришган асримиз бўлди. Унинг бошқа фазилатлари, қувончлари мана шу улғу воқеа атрофида муҳасам бўлади, деб ўйлайман.

Ҳозиргача қилган ишларимизнинг ҳар бири XXI асрга астойдил тайёргарликнинг белгисидир. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш осонликча кечадиган жараён эмас. XXI асрда, иншооллох, бу тарихий юмушни тўла-тўқис адо этажамиз. Президентимиз таъкидлаганидек, асосий муродимиз Ватан тараққиёти, юрт тинчилиги, халқ фаровонлиги экан, мана шу муддаоларни бажара олсак, марра, шубҳасиз, бизники бўлажак.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис депутати.

3 ҲАР СОҲАДА ҲИССА ҚЎШАМИЗ

Ижобий ва фақат ижобий. Агар бу сўзларимни яна ҳам лўндаштириб айтадиган бўлсам, XX асрда илм-фанга муносабат тубдан ўзгарди. Муσταқилликка эришган, Ўзбекистон олимларининг ҳам кўксига шабада теғди. Илмий тадқиқотларимиз янада тақомиллашмоқда. Тарихимизга муносабат батамом янгиланди.

Янги асрга эски ютуқлар билан ўтиб бўлмайди. Янги асрининг янгича аъмоллари бўлади. Инсоният олдида турган глобал — Орол денгизи тақдири, экологик буҳрон, ишлаб чиқаришни янги услубдаги анжомлар билан таъминлаш ва бошқа долзарб муаммолар бор. Ўзбекистон олимлари бу масалаларнинг ижобий ечимида ўзларининг муҳим тадқиқотлари билан иштирок этадилар деб ишонаман.

Беҳзод ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти, академик, Олий Мажлис депутати.

4 ЎЗБЕКИСТОН ЮКСАЛАВЕРСИН

XX асрдан рози бўлмаслигим борми? Мен шу асрда туғилдим, ўсиб ўлғайдим, озми-кўпми муваффақиятларга эришдим. Аср бошида овоз эмасдик, аср охирида муσταқилликни қўлга киритдик. Яхши-ёмон кунлар бўлди — кўпига гувоҳ бўлдим. Кетаётганда, меҳмонни яхши сўзлар билан қузатамиз. XX асрга ҳам энг илқ сўзларимизни айтиб хайрлашсак, айна муддао бўлади.

XXI аср, назаримда, телекоммуникация асри бўлади. Ўзбекистонимиз ҳар жабҳада, хусусан, санъат ботида мислсиз ютуқларга эришади. Биласизми, истиқлолга эришганимиз 10 йил ичида муҳлисларим 80 фоизга кўпайди. Шу фактнинг ўзиёқ халқимиз маънавияти, онги юксалиб бораётганидан нишондир. Янги асрда жаҳон тараққиётининг ғолибона одимлариға гувоҳ бўлаемиз.

Мўйясар РАЗЗОКОВА,
Ўзбекистон халқ артисти,
Олий Мажлис депутати.

Шу сонга • Шу сонга

«АММОФОС» ТАМҒАСИ БИЛАН

Олмалиқдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти бозор талабини доим ўрганиб бормоқда.

Шу асосда маҳсулотларнинг янги турларини тайёрлашни йўлга қўймоқда. Бунда корхонанинг икки имкониятлари ҳисобга олинмоқда. Маъ-

лумки, бирлашмада олтин-гургут кислотаси кўп тайёрланади. У маъданли ўғитлар учун асосий хом ашё ҳисобланади. Корхонада худди шундай кислотали алюминий ишлаб чиқарувчи қувватлар ишга туширилди. Натижада, бу ерда буюртмачиларга етказиб берилаётган маҳсулот тури яна биттага ортди.

БЕШ ФОНЗ ОШДИ

Жорий йил Олмалиқ кон-металлургия комбинати учун кўп соҳада юксалиш йили бўлди.

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш сезиларли кўпайди. Бу муҳим кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 5,2 фоиз, маҳсулот ҳажми эса 1,5 миллиард сўмлик атрофида ошди.

Самарали ишлаётган комбинат жамоаси ўзи ишлаб чиқараётган рангли металлари хорижга экспорт қилишни ҳам сезиларли даражада кенгайтиришга эришди. Унинг ўсиш суръати 48,9 фоизни ташкил этди ва бу билан катта ҳажмда валюта ишлашга муваффақ бўлди.

МЕТАЛЛУРГАЛARNING МУНОСИБ СОВҒАСИ

Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинати жамоасининг икки мингичи йилдаги меҳнати самараси ҳар томонлама салмоқли бўлди.

Ўтган йилнинг шу даврига қараганда пўлат эолдирлар ишлаб чиқариш деярли 3 минг тонна, прокат тайёрлаш 50 минг тоннага яқин кўпайди.

Бу шундай маҳсулотларни ички бозор қатори хорижга етказиб бе-

ришни ҳам сезиларли даражада кенгайтириш имконини берди. Чет эллик буюртмачиларнинг ўзларигина корхона маҳсулотларини ўтган йилдагига қараганда икки ярим баравар кўп сотиб олдилар. Умуман, комбинатда ишлаб чиқариш ҳажми 16 фоизга ортди. Шу даврда миҳозларга олдинги йилдагига нисбатан деярли 1 миллиард 900 миллион сўмлик ортқча маҳсулот етказиб берилди.

Шу сонга • Шу сонга

ҚЎША-ҚЎША СОВГАЛАР

ЎЗБЕКНИНГ энг яхши хислатларидан бири табарруқ кунларда ҳам, катта-кичик байрамларда ҳам нафақат қариндош-уруғ ва ёру-биродарларини, балки қарияларни, беморларни, ногирон ва етим-есирларни йўқлайди, кўнгилларини кўтаради. Қурби етса, қуруқ қўл билан бормайди, албатта.

ҲАММА ерда бўлганидек, Оққўргон туманида ҳам бундай ҳайрли, савобли ишлар мавруди билан бўлиб туради. Туман ҳокимлигининг та-

шаббуси билан Рамазон ҳайити ва Янги йил байрами арафасида кетма-кет ана шундай табдирлар ўтказилди. Жумладан, туманда истиқо-

мат қилувчи 56 нафар болалар учун байрам дастурхони ёзилиб, «Президент арчаси» байрам дастури уюштирилди ва Юртбоши ҳамда туман ҳокимлигининг совгалари улашилди.

78-махсус мактаб-интернатда таълим олаётган болалар ҳам туман раҳбарияти ва кўплаб ҳомий ташкилотлар вакиллари томонидан йўқланиб, байрам совға-саломлари тақдим этил-

ди. Бундан ташқари жами 1847 нафар ногирон, етим-есир ва кам таъминланган оилаларга ташриф буюрилиб, ҳам ҳайитлик, ҳам Янги йил байрами совгалари берилди. Бир қатор хўжалик, қорхона, ташкилот вакиллари ҳамда фермер ва тадбиркорлар тумандаги 49та умумтаълим мактаблари ва 16та болалар боғчаларига боришиб, байрам совгаларини топширмоқдалар.

Ўз муҳбиримиз.

БИЗ ЗАМОН МУЛҚДОРЛАРИМИЗ

- ◆ Бугунги кунда вилоят қишлоқ хўжалик тармоғининг барча соҳаларида жами 3882та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Фақат 2000 йилнинг ўзида улар сафига 831та янги фермер жамоаси қўшилди.
- ◆ Вилоят бўйича 2000 йилда етиштирилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 68 фоизини деҳқон ва фермер хўжаликлари етказиб берди.
- ◆ Деҳқон хўжаликлари ҳисобидаги қорамоллар сони 2000 йилда 4301 бошга, шу жумладан, сигирлар 1269 бошга, қўй ва эчкилар сони 8162тага кўпайди.
- ◆ Деҳқон ва фермер хўжаликлари 2000 йилда етиштирилган жами гўштнинг 91,7, сутнинг 90,2 ва тухумнинг 58,2 фоизини етказиб берди.

АЙРИМЛАР деҳқончилик — бу таваккалчилик, дейишади. Бошқаларни билмайдими, айни бозор иқтисоди ўз ҳукмини ўтказиб турган ҳозирги дамларда мен бу фикрга уналик қўшилмайман. Бригада бошлиғи, бўлим бошқарувчиси, ҳосилот бўлиб меҳнат қилган пайтларимдаги, ниҳоят, фермер сифатида фаолият кўрсатаётган ҳозирги кунлардаги иш тажрибаларимдан келиб чиқиб, бу ҳулосани айтаялман.

Ҳозир шундай замонки, ҳар бир табдирни пухта ўйлаб, етти ўлчаб бир кесиб амалга оширмасангиз ютқазиб қўйиш ҳеч гап эмас. Ерни ўқитлашда, мутахассислар, олимлар тавсиясига менсимай қарасангиз панд ейсиз. Экин-тиқинда бироз бўлса-да, фурсатни бой берсангиз, кейин ўсимликнинг ривожини, ҳосил тўплашдан қаноат ҳосил қилмай, қийналасиз. Булар бир қарашда оддий, ҳамма билмайдиган мулоҳазаларга ўхшаб кўринади. Лекин ҳамма гап шундаки, бу қондаларга тўла ва бекам-қўст риюя қилавермаймиз. Биз эскидан қолиб келаётган бундай ҳолатларга асло йўл қўймайлик аҳд қилганимиз.

Яна бир нарсаси: қатъий амал қиламиз: ўйлаб кўринг-а, давлат биз деҳқонларга, фермерларга кенг йўл очиб берди. Ҳамма имкониятларни яратиб қўйди. Қўлингдан келадими, ишла, бойлик орттир. Лекин айримларга ўхшаб бу имкониятдан фойдаланишда беш қўлни озғизади. Тиқиб ярамайди. Модомки, давлат бизни қўллаб-қувватлаётган экан ҳар бир ишга, ҳар бир табдирга қўл урганда, энг аввало, биз давлатга нима бераймиш, деган ўй-мулоҳаза қалбимизда ҳукмронлик қилиши керак! Ана шунда ишларингиз ўнгидан келаверида. Буни биз ўз иш натижаларимиз, тажрибаларимиздан кўриб турибмиз. Аввало, ерни экинлардан тезроқ бўшашиб, шудгорни нобёр ойдан кечиктирмасдан ўтказиб олиш тараддудини кўрамиз. Бу билан биз навбатдаги йилда ҳосилдорлиқни камида икки-уч центнер ошишига замин яратиб қўйган бўламиз.

Ишларнинг сифати, меъёри, мароми —

Раҳмат
ХОЛИҚБЕРДИЕВ,
Пскент туманидаги
«Дўстлик»
ширкат хўжалиги
фермери.

Истиқлол иншоотлари



КОЛЛЕЖЛАР ЭШИК ОЧДИ

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришган кунданок ҳукумати-миз ўсиб келаётган ёш авлодининг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишиши учун алоҳида эътибор бериб келмоқда. Айниқса, бевосита Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва амалга оширилган Миллий дастур таълим ислохотида катта роль ўйнамоқда. Шу маънода яқинлаб бораётган 2000 йил республика-мизда янги академик лицей ва коллежлар қурилишининг кенг кўламли олиб бориладиган бўлиши алоҳида эътиборга лойиқдир.

Бу йил бутун республика-миздаги каби вилоятимизда ҳам замонавий талабаларга тўла жавоб берадиган коллежлар ва лицейларни барпо этиш — зарбдор қурилишлар деб эълон қилинди. Бунинг учун етарли ишчи қўла-ри, бинокорлик материаллари жалб этилмоқда.

Бундай муассасалар қурилиши катта давлат аҳамиятига эга эканлигини, келахав авлод учун зарурлигини чуқур ҳис қилган бинокорлар зўр гайрат-шижоат, кўтаринки руҳ билан меҳнат қилдилар. Қилинган меҳнат ўз самарасини бермоқда. Вилоятимиз

шаҳар ва туманларида режага қири-тилган деярли барча бундай ўқув муассасалари фойдаланишга топширилди. Шу йилнинг ўтган ўн бир ойда мавжуд касб-хўнар билим юртларини қайта қуриш ва жиҳозлаш йўли билан коллежларга айлантириш ва уларнинг янгилирини қуриш учун 7,5 миллиард сўмга яқин ҳажмдаги капитал маблағлар ўзлаштирилди. Ёшларга турли касб-хўнар сирларини ўргатишга иктисослашган бу муассасалар минглаб ўқил-қизларимизни ўз бағрига олди. Янги — 2001 йил арафасида Зангиота туманида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи мутахассисларни тайёрлашга иктисослашган коллеж ҳам тантанали суръатда фойдаланишга топширилди. Бу масканда 600 нафар талаба билим олади, касб ўрганади. Коллежнинг



◆ Вилоятимизда кадрлар тайёрлаш амалий дастурига мувофиқ касб-хўнар коллежлари ва академик лицейлар 2000 йилнинг энг муҳим қурилишлари-га айланди. Ангрен шаҳри, Тошкент, Зангиота туманларидаги касб-хўнар билим юртлари базасида янги коллежлар ишга туширилди. Уларни қуриш ва жиҳозлаш ишлари 11 ойда якунланди, 7 миллиард 327,5 миллион сўм капитал маблағлар сарфланди.

очилиш маросимида Тошкент вилояти ҳокими Умнат Мирзакулов иштирок этди ва сўзга чиқди.

29 декабрь кунини эса Ангрен шаҳрида ҳам шундай бир замонавий касб-хўнар коллежнинг ишга тушириш тантанаси бўлиб ўтди. Унда коммунал ва саёҳатчилик хизматлари учун малакали мутахассислар тайёрланади. Тошкент тумани ёшларига касб-хўнар ўрганишлари учун барча қулайлик ва имкониятлар муҳайё қилинган шундай янги муассаса чинакам янги йил совғаси бўлди.

Давримиз ва миллий меъморчилигимизнинг энг яхши анъаналарини ўзида мужассамлан-

тирган коллеж бинолари ўзининг ҳашаматлиги ва кўркемчилиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам улар шаҳарлар ва қишлоқларимиз кўркемига кўрк бўлиб тушмоқда.

Келгусида бундай истиқлол иншоотлари вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида барпо этилади.

СУРАТЛАРДА: Зангиота туманида янги аср арафасида фойдаланишга топширилган коллеж биносининг ташқи кўриниши; унинг замонавий ўқув жиҳозлари ва компьютерлаштирилган синфлари-дан бири.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

«БЕКОБОДЦЕМЕНТ»НИНГ ТОМПОНАЖИ

«Бекободцемент» ҳиссдорлик жамияти жамоаси 2001 йилда маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома тузиш ишларини муваффақиятли якунлади. Ишлаб чиқилган «Бизнес режага» мувофиқ келгуси йилда 600 минг тонна цемент ишлаб чиқарилади. Унинг ўттиз фоизи ҳорижий истеъмолчиларга жўнатилади. Қорхонада, шунингдек, асбоқувар, шифер ва бошқа қурилиш ашёлари тайёрлаш ҳажмлари ҳам анча кўпаяди.

Қорхона жамоаси учун яқинлашаётган йил, айниқса барақали келди. Истеъмолчиларга ўн бир ой давомида 442 минг тоннадан зиёд цемент етказиб берилди. Бу режадагидан йигирма минг тонна кўп демакдир. Ҳозир бу ерда ойига 45 минг тонна цемент, 2,4 миллион дона шифер, 25 шарли километр асбоқувар тайёрлашга эришилмоқда. Янги ишлаб чиқарилган маҳсулот тўрт миллиард сўмликдан ошиб кетди.

— Цемент турини яна биттага кўпайтирмоқчи бўлиб турибмиз, — дейди жамият бошқаруви раисининг ўринбосари Фибс Мирзомилов. — Келгуси йилнинг январь ойдан истеъмолчиларга импорт ўрнини босувчи томпонаж цементи ҳам етказиб бера бошлаймиз. Чунки бундай цементга мамлакатимизда талаб катта. Газ-нефт санаятида, аэропорт каби муҳим қурилишларда фақат ана шундай цемент ишлатилади. Ҳозирги кунда мутахассисларимиз синнов ишларини якунлапти. Маҳсулотни ичмам қопларда қадоқлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқда.

(ЎзА).

◆ Аҳоли эҳтиёжи учун халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ислохотларининг устувор йўналишига айланган. Ўтган 11 ой давомида истеъмол бозорига 81,9 миллиард сўмлик шундай маҳсулотлар етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 21 фоиз кўпдир. Ҳозирги вақтда вилоятимиздаги 133та қорхона кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда.

Янгийўл шаҳрида ҳорижий сармоядорлар билан биргаликда ташкил этилган қатор қўшма қорхоналар ишлаб турипти. Уларнинг деярли ҳаммаси ўз маҳсулотлари билан истеъмол бозорини тўлдириб, хизмат қилмоқда. «РОССИ С.А.» қўшма қорхонаси ҳам шундай тадбиркорлик тузилмаларидан. У қиска мулдат ичида оёққа мустаҳкам туриб, ривожланиш йўлидан дидил бормоқда. Унинг бош директори Шўхрат Раҳимов кичик байналмилал жамоанинг ишлари ва келажакдаги режаларини ҳақида қўйидагиларни сўзлаб берди:

Қўшма қорхонамизнинг ишга тушганига уч ярим йилча бўлиб қолди. Уни Ўзбекистон томонидан «Вита Капитал» масъулияти чекланган жамият ва Болгария томонидан «ЕД РОССИ» компанияси ҳамкорликда барпо этилди. Қорхонамиз асосан қондирет маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Уни бунёд этиш учун янги технология, асбоқуварларни «ЕД РОССИ» компанияси етказиб берди, айрим хом ашёлар таъминоти ҳам унга юклатилган. Улар Болгария, Туркия, Италияда ишлаб чиқарилган бўлиб, унумлилиги анча баланд. Биз эса бино, ишчи кучи, хом ашёларнинг айрим турлари билан таъминлашни ўз зиммасига олганмиз.

Шуниси қувончлики, икки томон шартнома бўйича ўз зиммасига олган барча шартларни тўла бажариб келмоқда. Шу тўғрйли ҳам ташкилий даврдаги айрим қийинчиликларни ҳисобга олмасак ишлаб чиқариш деярли бир маромда бормоқда ва тобора жадаллашмоқда.

Дастлаб бор-йўғи ўттиз нафар жамоа билан иш бошладик. Эгаллаб турган бино ҳам мўъжазгина эди. Маҳсулотларимиз бозори чақонлигини

◆ Вилоятимизнинг ташқи иқтисодий фаолияти ривожланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда 60тага яқин узоқ ва ўнтадан ортиқ яқин ҳорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатилган. Ташқи савдо айланиши жорий йилнинг 11 ойида 690,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бугунги кунда 180тадан ортиқ қўшма қорхона рўйхатга олинди. 2000 йилда яна 21та шундай қорхона барпо этилди. Йилнинг 11 ойида улар томонидан 30 миллиард 225 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,3 марта кўпдир.

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

хисобга олиб, уни кенгайтиришни режалаштирдик. Бунинг учун шаҳар марказидаги собиқ маъшиш хизмат уйини (у банкрот бўлган эди) сотиб олдик ва анча кенг бинога қўшиб ўтдик. Натижада, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги ишчи ўринларини яратиш учун қулай имкониятлар юзага келди.

Янги бўлимлар ташкил этидик, фойдаланилаётган асбоқуварларни ёнма яна қўшидик. Жамоамиз аъзолари сафи ҳам кўпайиб, уларнинг сони 150 нафарга етди. Ишлаб чиқариш жараёни уч сме-нада туну кун узлуксиз давом этадиган бўлиб қолди. Натижада маҳсулот тайёрлаш ҳажми кескин кўпайтирилди.

Юқорида айтганимиздек, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятимизнинг асосий туридир. Бошқа маҳсулотларимиз ҳам аҳоли дастурхонига, унинг рўзғори эҳтиёжларига мў-

БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

Халқимиз меҳр-оқибатли, саҳоватли ва мурувватли, айниқса, болажон халқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Болалик ўй бозор, деган нақл ҳам бежиз айтилмаган чоғи. Бундай юксак фазилят халқимиз ўзлигини англаб, юртимиз равақат йўлини ўзи белгилагач, асосий ўринга чиққандлиги ҳам рози.

Ахир, қайси бир юртда жажжи бола-кай ва қизалоқларга шунчалик эътибор берилдию яна қайси мамлакатда етим-есирларнинг бошини силаб, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ҳимоялашни ҳукумат ўз зиммасига ола билган? Албатта, ҳар қачонгидек, юртимизда кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш нафақат шаҳар ва туман ҳокимликлари, хўжаликлар, ташкилотлар ва бир қатор жамағармалар, ҳатто давлатимиз раҳбариятининг диққат марказидадир.

Шу кунларда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманлари марказларида ўтаётган «Президент арчаси» тантаналарида болажонларимиз учун махсус тайёрланган совғаларнинг тарқатилиши ҳам юқоридаги фикримизнинг далилидир.

— Кейинги йилларда Меҳрибонлик ўйлари тарбияланувчиларига, боқувчисини йўқотган етим-есирларга ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига эътибор орттиб бормоқда, — дейди вилоят оқсоқоллар кенгаши раисининг муовини Шариҳон Раҳматуллаева — Албатта, бу ишга беиннат ҳайрия ёрдами кўрсатиб келаётган саҳоватли кишилар, ташкилот ва муассасалар ҳам кўпчилиги ташкил этади. Бундай кишилар хусусан, Ангрен, Чирчиқ шаҳарларидаги ҳамда Бўка туманидаги меҳрибонлик ўйлари тарбияланувчиларидан ўз меҳр-мурувватларини аямаяптилар.

«Президент арчаси» табдирларини ўтказиб, Меҳрибонлик ва мурувват ўйлари-нинг тарбияланувчиларига тарқатиш учун кенгашимизга салкам мингта яқин совғалар ажратилганини айтиб ўтмасам бўлмас.

Дарҳақиқат, Янги йил таътили кунларида минглаб болажон ва қизалоқларнинг «Президент арчаси» атрофида тўпланишлари ва шахсан Юртбошимизнинг номларидан совғалар олишлари кимни қувонтирмайди, дейсиз.

Шунингдек, 29-декабрь кунини «Туркистон» саройида бўлиб ўтган янги йил шодоналарида вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидан 600 нафар ўғил-қиз иштирок этди.

Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида 14-меҳрибонлик ўйи тарбияланувчилари катта арча атрофида тўпланадилар.

Бўка туманидаги 15-Меҳрибонлик ўйи, Ангрен шаҳридаги 34-, Оққўргондаги 78-мактаб-интернатларда ҳам ана шундай Янги йил базмлари бўлиб ўтади.

Хуллас, мурувват ва Меҳрибонлик ўйларида, мактаб-интернатларда ўтаётган «Президент арчаси» тантаналари болажонларнинг қувончларига қувонч қўшмоқда. Улар янги йилнинг ахбори мўъжизалари, Қорбобо ва Қорқизнинг беиннат ҳимматларидан баҳраманд бўлишад.

Шавкат ҚУЛИБОВЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

ри нисбатан арзон ҳамдир, рақобатбардорилик ҳам кучайиб бораёпти. Шунинг учун у омиборларда туриб қолмасдан тез сотилиб кетаяпти. Бу эса жамоамизни янада юқориқор меҳнат марраларини эгаллашга рағбатлантиряпти.

Ўтган ҳўжалик йили якуни ва бу йил эришилаётган ютуқлар ҳам шундан далолат бериб турипти. Чунонкин, 1999 йилда 237 тонна ўрнига 440 тоннадан ошдиқор маҳсулот буюртмачиларга жўнатишган бўлса жорий йилда бу кўрсаткичнинг 1050 тонна бўлиши қўтиқмоқда. Бу бир йилда тайёрланаётган маҳсулот ҳажми 2,4 баравар ошганлигидан далолат беради. Шу даврда истеъмол бозорига 15 тонна шоқолад маҳсулотлари, 342 тонна вафли, 120 тонна печенье, тонна-тонналаб асал, зефир, пряниклар, макаронлар етказиб берилди.

Янги асрнинг тўнғич йилига мўлжалланган режаларимиз янада салмоқлидир. Жамоамиз фаолиятининг барча асосий кўрсаткичларини анча юксалтириш ниятимиз бор. Бунинг учун зарур моддий-техника базасини яратиб қўйдиқ. Қўшимча ишлаб чиқариш майдонлари барпо этилади, қатор янги асбоқуварлар ишга туширилади. Жумладан, макарон, печенье ва вафли ишлаб чиқариш бўйича қўшимча замонавий технологик линиялар барпо этилди ва улар ҳозирги вақтдаёқ маҳсулот бермоқда. Янги йилда жами маҳсулот ҳажминини 3652 тоннага ёки 1 миллиард 784 миллион сўмликка етказилади.

Жорий йилдан биз миннатдоримиз. Мустақил мамлакатимизда табдиркорлиқни ривожлантириш учун яратиб берилган қулайликлар бундан буён ҳам жамоамизга қўшқанот бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

ЎСМИРЛАРИМИЗ БЎШ КЕЛИШМАДИ

ТОШКЕНТДАГИ республика олимпиада резервлари билан юрти базасида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди.

ЎТАЁТГАН йилнинг Тошкент шаҳри вакиллари энг сўнгги мусобақаси ридан ташқари яқин ҳолда бундан бу турнирда рес-публикамиз вилоятлари, оғир атлетикачи саккиз дорлари бўлдилар.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу нуфузли мусобақаларда республика олимпия резервлари билим юртининг Чирчиқ бўлими вакиллари муваффақиятли қатнашдилар. Жумладан, 50 килограмм вазни Фаррух Хусанов олтин, 56 кило-

грамм вазнда қатнашган Жўрабек Зоиров кумуш ҳамда 85 килограммга вазнчилар билан кураш олиб борган Али Иброҳимов бронза медалларини қўлга киритдилар.

Шунингдек, Ангрен шаҳридан Вячеслав Ким дали эгаси бўлди.

94 килограмм вазнда халқаро турнир ғолиби бўлди. Яна бир чорвоқлик вакилимиз Фарход Мирзаёнов 77 килограмм вазнидаги ўсмирлар бешлашувида учинчи натижа кўрсатиб, бронза медали эгаси бўлди.

ДУШАНБА, 1

«ЎЗБЕКИСТОН»

ТЕЛЕКАНАЛИ
ЯНГИ ЙИЛНИНГ ИЛЛАРИ
«2001 ЙИЛ - ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ»6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-9.00 «Йилнома».9.00 «Чимен тароналари».
Мусликий дастур.
9.30 11.45 ТВ-мето.
9.35 Болалар учун. «Мўжизалар майдончаси».
10.35 Ойнаи жаҳон тақдими: «Шарки ва Жорж».
Мультисериял премьераси.
11.25 «Саҳна ҳаёти». 3.
Мухаммаджонов.
11.50 «Соғлом авлод - билимнинг келажиги».12.30 «Янги йил саргузаштлари».
13.10 ТВ-1 кинотеатри: «Сени севдим». Бадийий фильм. Бош ролда Саломонхон. 1-қисм (Хиндистон).
14.35 Болалар учун. «Ён-ён арчадон».14.50 «Сени севдим».
Бадийий фильм. 2-қисм.
16.25 ТВ-анонс.
16.30 «Осмондан тушган одамлар». Ҳажвий жангма. 2-қисм.
17.05 «Олам қушқика тўлисин». Мусликий дастур.17.35 «Ўзбектефильм» намоиши: Рустам Раҳимов - интилган нур».
Премьера.
18.05 «Асрга татигулик кун». Байрам дастури.
18.50 «Бахтли воқеа».
Телелотерей.19.25 19.55 20.25 21.00 Ёшларлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Эртанинг уюғи».
Кинокомпозиция.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Янги аср муборақ».
Байрам мусликий дастури.22.35 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Келин-куёв». Телешоу.
23.45 «Ахборот».
00.20 «Едада қолган фильмлар». Оди Хелбөрн ва Грегорий Пек «Янги йил».21.00 «Ахборот».
2.05-2.10 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» ТЕЛЕКАНАЛИ7.55 «Ассалом, янги аср!»
8.00 «Давр тонги».
9.00 Байрам тўққаси.«Тунги махлук сири».
Мультифильм премьераси.
10.15 Болалар учун. «Юлдузча».
11.25 «Шошлар танлов».
12.00 «Янги йил тароналари».12.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.
13.10 «Янги йил тароналари».13.30 «Икки юз ёшли одам». Бадийий фильм.
15.40 «Экшолар». Ёнг яхши ўлик.15.55 «Ўзбек киноси» - янги аср бўёқасида.
16.40 «Янги авлод» студияси.
«Мурабий». Видеофильм премьераси. 1-қисм.17.05 «Истеъдод-2000».
Финал.
17.30 «Мурабий». Видеофильм премьераси. 2-қисм.17.55 «Учинчи сайёра» маърифат дастури. «НУЖ».
Ерга ташириш арчаси.
18.45 «Оқшом навалари».18.55 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 «Мусликий табрик ва Экошлар».

19.35 «Ёшлар овози».
19.55 «Хандақлар». Ҳажвий тележурнал.20.25 «Лас-Вегасдаги сеҳрлар оқибатлари».
21.10 «Шарҳод» суҳбатта чорлайди.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 «Янги йил тароналари ва Экошлар».

22.40 «Ер қарига саёхат».
Бадийий фильм. 1-2 қисмлар.1.40-1.45 «Хайрли тун».
«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ9.00 «Тонгги пойтахт».
10.00 «Омад» тележурнали.20.00 «Дилдор навалар».
10.40 Болалар экранни «Азиз».11.45 «Экспресс» телегазетаси.
12.00 Кинонигоҳ. «Тутси».13.40 «Жаҳон географияси».
14.30-15.50 Болалар экранни. «Аёз-қоб».17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Янги аср - янги авлод».

18.20 «Пойтахт». Ҳафталик шахр.

19.00 20.20 «Табриклаймиз, кутлаймиз».

20.00 «Омад» тележурнали.

21.10 «Экспресс» телегазетаси.

21.25 «ТВ плус юлдузлар».

21.45 Шунчаки ҳазил.
«Олтин балик».22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 Кинонигоҳ. «Менинг сўнгги тангоим».

00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«ЖААҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛА
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Йилнома» (рус тилида).

9.50 «Эртанинг сеҳрли олами».

00.05 «Ахборот» (рус тилида)

00.30 «Тунингиз оуда бўлисин»

СЕШАНБА, 2

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектефильм» намоиши: «Ўзбекистоннинг Олимпиададаги одимлари».
Ҳужжатли видеофильм премьераси.9.20 «Умрбоқий қўшиқлар».
9.40 12.35 ТВ-мето.
9.45 Алифбо сабоқлари.
10.00 12.00 14.00 18.00 ЯнгиликларБолаларнинг қишки таътил кунларида:
10.05 Ойнаи жаҳон тақдими: «Шарки ва Жорж».Мультифильм премьераси.
11.15 «Олтин тож» да янги йил.11.50 ТВ-клип.
12.05 «Табассум кўчаларида».1-қисм.
12.45 «Балли, раислар!» Телемусобақа.14.10 Футбол. XX асрнинг сўнгги жаҳон чемпионати.
Чорак финал. Германия-Хорватия.15.40 «Дўстлик армуғони».
16.25 ТВ-анонс.16.35 «Алалепалик авлиё».
Қисқа метражли бадийий фильм.

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан».

18.10 Ойнаи жаҳон тақдими: «Роки ва унинг дўстлари».

Мультифильм премьераси. 1-қисм.

18.25 «Таълим-тарбия миллий дастури».

18.35 «Аёл қалби навалари».

Мусликий дастур.
19.05 «Фермер».

19.25 19.55 20.25 21.00 Ёшларлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.00 «Навоийонлиқ».

21.20 «Умид» карнавал.
22.00 ЎЗТВ хазинасидан.

«Навоий». Видеофильм. 1-2 қисмлар.

23.05 «Ахборот».

23.40 Тунги сеанс: «Замонавий аёл».

Бадийий фильм.
1.00-1.05 Ватан тимсоллари.«Ёшлар» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Ким эгилч-у, ким қачқон?»

«Янги авлод» карнавали.

10.40 «Хайрат чегараси».

Телесериал. 1-қисм.

11.15 «Саломат бўлинг».

11.35 13.30 14.30 «Мусликий лаҳзалар».

11.45 «Аср кифаси».

12.05 «Автосалтанат».

12.20 «Ёшлар овози».

12.40 «Олтин мерос».

12.45 «Мухаддас бешик».

Маърифат дастури.

13.40 Қишки таътил экрани: «Самовий саргузаштлар».

Телесериал. 1-2 қисмлар.

14.40 «Бахс».

15.00 «Қусто командасининг сува ости саргузаштлари».

Телесериал. 57-қисм.

15.45 «Шалаш оиласи».

Телесериал. 12-қисмлар.

16.30 Кўрсатувлар дастури.

16.35 «Янги авлод» студияси: «Эртанинг арчаси».

17.00 «Минг бир маслаҳат».

17.20 «Танч».

17.50 Ўзбек кураши жаҳонда.

18.10 «Ҳазил соғинчи».

18.30 «Автосейд».

18.45 «Оқшом навалари».

18.55 21.55 «Иқлим».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 ТВ-анонс ва Экошлар.

19.35 «Ёшлар овози».

19.55 «Хандақлар». Ҳажвий тележурнал.

20.25 «Лас-Вегасдаги сеҳрлар оқибатлари».

21.10 «Шарҳод» суҳбатта чорлайди.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 «Янги йил тароналари ва Экошлар».

22.40 «Ер қарига саёхат».

Бадийий фильм. 1-2 қисмлар.

1.40-1.45 «Хайрли тун».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 «Тонгги пойтахт».

10.00 «Омад» тележурнали.

20.00 «Дилдор навалар».

10.40 Болалар экранни «Азиз».

11.45 «Экспресс» телегазетаси.

12.00 Кинонигоҳ. «Тутси».

13.40 «Жаҳон географияси».

14.30-15.50 Болалар экранни. «Аёз-қоб».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 «Янги аср - янги авлод».

18.20 «Пойтахт». Ҳафталик шахр.

19.00 20.20 «Табриклаймиз, кутлаймиз».

20.00 «Омад» тележурнали.

21.10 «Экспресс» телегазетаси.

21.25 «ТВ плус юлдузлар».

21.45 Шунчаки ҳазил.

«Олтин балик».

22.35 Оҳанглар ва эълонлар.

22.40 Кинонигоҳ. «Менинг сўнгги тангоим».

00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«ЖААҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛА

9.00 Кўрсатувлар тартиби.

9.05 «Йилнома» (рус тилида).

9.50 «Эртанинг сеҳрли олами».

11.35 М.Евдокимов ҳузурида меҳмонда. Янги йил сони.

12.10 Пер Ришар «Уйинчок» комедиясида.

13.50 «Қатта шахар чироқлари».

Ҳажвичилар телеви-зюон клуби. 2-қисм.

16.05 «Бэй» комедияси.

17.45 «Болалар олами».

18.30 «Салом, янги аср!» Янги йил кечаси.

19.35 2000 йил қўшиқлари. 1-қисм.

23.10 «Салом, янги аср!» Янги йил кечасининг давоми.

ЧОРШАНБА, 3

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».8.35 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектефильм» намоиши: «Қамолиддин Бехзо».

9.15 «Оҳангларга ошuftа кўнгли». Концерт.

9.35 12.20 ТВ-мето.
9.40 «Зулфияхоним қизлари».

10.00 12.00 14.00 18.00 Янгиликлар

Болаларнинг қишки таътил кунларида:
10.05 Ойнаи жаҳон тақдими: «Шарки ва Жорж».Мультифильм премьераси.
11.15 «Президент арчаси».

11.55 ТВ-клип.

12.05 «Қўзғунчоқ».

12.25 «Табассум кўчаларида».

2-қисм.

12.55 «Спорт солномаси».

13.25 Лирок тароналар.

14.10 «Оталар сузи» ахнинг кўзи».

15.10 ТВ-анонс.

15.15 «Остонаси тиллодан».

Адабий кўрсатув.

15.35 Саргузашт фильмлар экрани: «Жаҳонлар малика-сига ҳужум».

Бадийий фильм.
17.05 «Алломий авлодлари».

Спорт дастури.

17.20 Болалар учун. «Жаҳон гузал».

17.40 «Тилга эътибор».

17.45 Ойнаи жаҳон тақдими: «Роки ва унинг дўстлари».

Мультифильм премьераси. 2-қисм.

18.25 «Иқтисод ва биз».

18.35 Олтин мерос.

18.45 «Сихат-саломатлик».

19.05 «Инсон ва қонун».

19.25 19.55 20.25 21.00 Ёшларлар.

21.40 Ёшларлар (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 «Ўзбек-из».

20.30 «Ахборот».

21.05 «Даврани кенгрок олин».

Мусликий дастур.

21.45 ЎЗТВ хазинасидан:

«Навоий». Видеофильм. 3-4 қисмлар.

22.50 «Олам». Телеальманах.

23.20 «Ахборот».

23.45 Тунги сеанс: «Соков ва муҳаббат».

Бадийий фильм.
1.30-1.35 Ватан тимсоллари.«Ёшлар» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Эртанинг арчаси».

9.45 11.00 «Мусликий лаҳзалар».

9.55 «Давр»-интервью.

10.10 «Ҳақиқат чегараси».

Телесериал. 2-қисм.

10.45 «Минг бир маслаҳат».

11.10 «Даллас». Телесериал.

11.55 «Ёшлар овози».

12.20 «Автомат».

12.35 «Мени тушун».

Телесериал.

13.00 Қишки таътил экрани: «Самовий саргузаштлар».

Телесериал. 3-4 қисмлар.

13.50 «Хайрат».

14.10 «Қалбим чегачи».

Телесериал. 1-қисм.

14.50 Хоразм телевидениеси тақдим этиди.

«Қозимдасан, «Алломий хазина».

«Ўзбекистон».

15.20 «Танч».

15.50 «Ҳазил соғинчи».

16.10 «Шалаш оиласи».

Телесериал. 13-қисм.

16.55 Кўрсатувлар дастури.

17.00 «Янги авлод» студияси: «Кувнок учрашув».

17.35 «Учинчи сайёра» маърифат дастури.

17.55 «Сайрат».

18.45 «Оқшом навалари».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 ТВ-анонс ва Экошлар.

19.35 Ватан хомиячилар кўни олдидан.

«Мен элимнинг юрагига яшайман».

2-фильм.

19.55 21.25 22.30 Ёшларлар.

20.00 «Спорт-лото».

20.10 «Ёшлар овози».

20.30 «Олтин мерос».

Алишер Навоий хотирасига бағишланади.

20.40 «Қалбим чегачи».

Телесериал. 2-қисм.

20.50 «Ўзбек

ЯНГИ ЙИЛИМ – ЯХШИ ЙИЛИМ, УДУМЛАРНИНГ НАҚШИ ЙИЛИМ

Биз янги йилни нихоятда шоду-хуррамлик билан қўтиб оламиз. Тансиқ таомлар тайёрлаб, тўкин дастурхон тузамиз. Соат ўн иккига занг урганида, кўни-қўшилари табриклаймиз, то тонггача дил изҳорлари, қўловлар, ўйин-қўлгилар давом этади. Ҳўш, дунёдаги юздан зиёд мамлакатларда у қандай нишонланади? Айтиш мумкин, бу борада ҳар бир халқнинг ўзига хос удумлари бор. Улар шунча ранг-барангки, асти қўяверасиз. Бирин-кетин айтаверсак:

ТУХУМГА ШАКАР СЕПИБ

Камбоджада аҳоли 50та янги туҳумдан шакар солинган пиширик тайёрлаб, бир-бирларини сийлайдилар. Шундай қилишса, гўё бахт эшик қоқиб келар эмиш.

ФАКАТ ГЎШТ ЕБ

Мўғулистонда Қорбобо бошида тулки терисидан қилинган қалпоқ, эғнида пўстин, қўлида қамчи билан уйма-уй юриб, ҳаммани табриклайди. Дастурхондаги таомларнинг барчаси гўшдан тайёрланади.

КЎЧАГА ЧИКМАЙ

Италянлар янги йил кечаси синик стол-стуллари, дарз кетган идиш-товокларни деразадан кўчага улоқтириб юборадилар. Шунинг учун италийликлар янги йил кечаси кўчага чиқмай, уйда ўтиришади.

СУВЛАР СЕПИБ

Бирмаликлар бир-бирларини сув сеппиб табрик-лашади. Бундан биров хафа бўлмайди. Шундай қилишса, уларга бахт қўлиб боқармиш.

УЙКУДАН ТУРИБ

Японлар янги йил кечаси 108 марта кўнғироқ чапишиб, уйкуга кетадилар. Уйкудан тургач, бир-бирларини табрик-лашади.

ШАМЛАР ЁКИБ

Бразилияликлар эса, янги йил кечаси оппоқ либослар кийиб олишади. Хонадонларда шамлар ёқишади. Шамлар қанча узоқ ёнса, шунча узун умр кўриш мумкин, деб ўйлашади.

ВАРРАК УЧИРИБ

Ҳиндистонда янги йил ҳосилини йиғиб-териб олиш арафаси – 13 апрелда нишонланади. Шу кунни ҳиндлар тонг отгунча камонбозлик қилишади, баланд тепаликларга чиқиб варрак учирашади.

ЯПРОК ТАНОВУЛ ҚИЛИБ

Манераштура деган жой аҳолиси бир-бирларини яхши ният билан муборакбод қилиб, «ним-ним» деган дарахтнинг ачиқ баргини ёйишади. Шундай қилишса, йил бўйи ширин ҳаёт кечиришар экан.

МЕХМОНГА БОРМАЙ

Вьетнамликлар янги йил кечаси меҳмонга бориш-майди. Ҳатто, ухламайдилар ҳам. Ким ухлаб қолса бахт ундан юз ўғирармиш. Эркакларнинг қора соқоллари оқариб кетармиш.

ТЎҒРИ КЕЛГАН УЙГА КИРИБ

Янги йилни қўтиб олишда ҳеч ким корейликларга етмайди. Улар уйларида байрамни нишонлашгач, тонг отгунча безатилган майдонларда сайр қилишади. Одамлар истаган хонадонга кириб кетаверадилар. Мезбон меҳмонлар қўлига ичимлик тўлдирилган қадаҳ туттади. Ҳамма ўз оиласи, бахти, тинчлик, осойишталик, мамлакатда маъмурчилик бўлиши учун ичади.

Ислом КАРИМОВ:

Янги йилни Яратганимизнинг буюк мўъжизаси бўлган, барчамизни шу ёруғ дунёга келтириб, ўзининг бутун борлигини бағишлайдиган ҳаёт давомчиси бўлмиш Оналар ва жондан азиз болаларимиз тимсолида кўришимиз, ўйлайманки, жамоатчилигимизга, халқимизга маъқул келади.



БАЙРАМ КУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйдаги кунлар байрам (дам олиш кун) деб белгиланган:

- 1 январь – Янги йил.
- 8 март – Хотин-қизлар кун.
- 21 март – Наврўз байрами.
- 9 май – Хотира ва Қадрлаш кун.
- 1 сентябрь – Мустақиллик кун.
- 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар умумхалқ байрами.
- 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун.
- Рўза ҳайитининг биринчи кун.
- Қурбон ҳайитининг биринчи кун.

БАШОРАТГА ҚУЛОҚ ТУТИНГ

СИЧҚОН (МУШ) — мучалида туғилганлар ажойиб ва виждонли кишилар бўлиб, улар ўзларини ва бировнинг тақдирларини билишда башорат қиладилар. Омадли, зеҳнлари ўткир бўладилар, кўпчилик қўлларидан келмайдиган юмушларга қўл урадилар. Аммо содиқ дўстдирлар.

Сичқон-ит никоҳи яхши бўлмайди. Сичқон-сигир никоҳи бахтли.

СИГИР (БАҚАР) — мучалида туғилганлар аёлларни яхши тушунадилар ва улар билан яхши муомалада бўладилар, кўпчилик ўртасида ўз ҳурмат-эътиборларини сақлай билладилар, узоқ умр кўрадилар.

Сигир-от ёки сигир-қўй никоҳлари яхши бўлмайди. Сичқон билан намунали ҳаёт кечирадилар.

ЙЎЛБАРС (ПАЛАНГ) — мучалида туғилганлар қаттиққўлликлари, жиддийликлари ва бошқа ажойиб томонлари билан ажралиб турадилар. Аёлларнинг турмуш ўртолқлари оламдан эрта қўз юмадилар. Чунки эрларининг айтганларини қайсарлик қилиб баҳармайдилар. Йўлбарс йили соҳиблари бирор мақсадни қўлаб иш қилсалар аширинча эмас, балки очикдан очик йўл тутадилар. Одамлар уларни ҳурмат қиладилар ва илқ муомалада бўладилар.

Йўлбарс мучалидагилар тўғиз йили соҳиблари билан турмуш қуришлари керак.

ҚУЁН (ХАРГУШ) — мучалида туғилганлар одатда бир томонлама, келажакда равнақи бўлмаган йўлни танлайдилар. Қўл урган ишлари осонликча рўёбга чиқмайди. Улардан на бой, на камбағал чиқади. Яхши ҳам, ёмон ҳам эмаслар.

Қуёнлар асло илон ёки йўлбарслар билан турмуш қурмасинлар. Ит йили билан никоҳлари намунали ўтади.

БАЛИҚ (НАХАНГ) — мучалида туғилганларнинг мол-мулки кўп, пешонаси очик, узоқ умр кўради. Ҳар нарсаси ўзи қарор чиқаришни афзал қўради, бировнинг аралашшини ёқтирмайди.

Балиқнинг қуён билан турмуши яхши бўлмайди. У товук билан никоҳланса яхши турмуш кечиради.

ОТ (АСП) — мучалида туғилганлар қўчидирлар ва ўз қўчларига ишониб иш тутадилар. Уларнинг умрлари меҳнат ва доимий ҳаракатлар билан тўлиб-тошган бўлади.

От билан сигир турмуши яхши бўлмайди. От-қўй никоҳи бахтли.

ҚЎЙ (ЎСҚАНД) — мучалида туғилганларда қўчли севаги ва яқин кишиларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром қаби сифатлар мавжуддир. Яққалики ёқтирмайдилар. Нуфузли зотлар билан алоқада бўлишга интиладилар. Эркак ва аёллари ҳам намунали кишилардир. Қариган чоғларида оғир, босиқ бўладилар.

Қўй йилида туғилганлар сичқон ва сигир мучалидагилар билан турмуш қурмасликлари керак. От йили билан никоҳлари бахтли бўлади.

МАЙМУН (ҲАМДУНА) — мучалида туғилганлар яққа ҳўқдорлик, ўзини ўзи яхши кўриш, иккиёқламалик ҳислатларидан холи эмасдир. Улар ўта айёр, нафрати қўчлидир. Маймун-илон никоҳи яхши. Тўғиз ва балиқ никоҳи ёмон бўлади.

ТОВУК (МУРҒ) — мучалида туғилганлар фаолликлари, қўч-қувват ва қаттиққўлликлари билан ажралиб турадилар. Улардан лутф ва мулоимлик кутмаслик керак. Эркаклар намунавий кишилар бўлишлари билан бирга сеҳрлари ўткирдир. Интизом, тартиб ва қонун-қоидалар уларга ёқиб тушади.

Товук йили соҳиблари ит ва илон билан никоҳланмаслиги керак. Энг яхшиси балиқ билан турмуш қургани маъқул.

ИТ (САҚ) — мучалида туғилганлар ўзларига ва бировларга нисбатан қўзғатувчанлик сифатлари билан ажралиб турадилар. Эсли, ақли ва ҳавас қилса арзигулик идрок эгалари бўлишади. Улар содиқ дўст бўлиб, яқинлари йўлида қўрбон бўлишга ҳам тайёрдирлар.

Ит йилидаги хотинларни эрлари жуда севадилар. Чунки улар вафо ахлдандилар.

ТЎҒИЗ (ХҲК) — мучалида туғилганлар тинчлик, осойишталикни ёқтирадилар, ҳавф-хатардан қўрқадилар ва улариларидан билиб олдини олишга ҳаракат қиладилар. Ишга совуққонлик билан киришадилар, лаззатли таомларни севадилар. Аёллари одобли бўлиб, яхши тарбия соҳибаларидир.

Тўғиз ва маймун мучали ривоятларга кўра, опа-сингил эмиш. Эндигина бирлашса бироздан сўнг йироқлашадилар.

ИҚЛИМ ҚУРУҚЛИККА ЮЗ БУРАДИ

Асрлар, мингйилликлар алмашганда табиатда ўзгаришлар содир бўлади-ми? Бу савол шубҳасиз барчамизни қизиқтиради. Зеро, дунё пайдо бўлгандан бери инсон уларга жавоб топишга интилади. Ўзбекистон РФА Астрономия институти кичик илмий ходими Саидбахром Азизовга мурожаат қилганимизда у қуйдагиларни ҳикоя қилиб берди.

— Дастлаб XX асрнинг энг катта воқеаси — албатта, ўзбек астрономлари учун — Тошкент Чилла расадхонасининг очилиши бўлди. Кўкчадаги Шайх Зайниддин қабристонидан жойлашган бу ноёб ишоот Вавилов номидаги Россия табиий фанлар ва техника тарихи институти илмий кенгаши тасдиғи билан «Астрономия тарихи тадқиқотлари» йиллик тўпламининг 25-сонида «Тошкент шаҳридаги минг йиллик расадхона» сарлавҳаси остида эълон этилди.

Табиатнинг ўз қонунлари бор. Бу қонунлар ҳеч бир тақвимларга, башоратларга мос келмайди. Улар минг йиллик даврий ўзгаришларни ўзида намоён қилади. Шу кеча-кундузда 1800 йиллик даврий иқлим ўзгаришлари давом этмокда. Иқлим иккига

бўлинади: намлик ва қуруқлик. Ҳозир қуруқлик даври бошланган. У яна олти ярим аср давом этади. Айни пайтда ўн икки йиллик қуёш фаоллиги ҳам бунга мос тушяпти. 2000 йилнинг июнь ойида қуёшда шундай қучли портлаш бўлдики, у қуёш гардишининг учдан бир қисмини эгаллади. Бунинг устига «Парник эффекти» (ерга келган нурларнинг қайтиб кетмаслиги) ҳам борки, ҳаммаси бир бўлиб, ер юзиде ҳарорат кўтарилишига омил яратмокда. Орол денгизининг қуриши ҳам иқлимга катта таъсир этиши табиий. Ҳавонинг бундай иссиб кетиши XIII ва XIX асрда ҳам кузатилган. Ер юзидеги ҳарорат расмий маълумотларга қараганда, бир ярим градусга кўтарилди. Европадаги сув тошқинлари, Америкадаги довулар, бирин-кетин бўлаётган зилзилаларнинг ҳам негизи шунда десак тўғри бўлади. Турли-туман касалликларнинг тарқалаётгани, илон, чаён қаби жониворларнинг кўпайиб кетаётгани ҳам шу ҳароратга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Лекин, халқимиз яхши ният билан яшайди. Биз ҳам янги асрдан яхши кунларни кутамиз.

YANVAR					FEVRAL					MART					APREL						
D.	8	15	22	29	D.	5	12	19	26	D.	5	12	19	26	D.	2	9	16	23	30	
S.	2	9	16	23	30	S.	6	13	20	27	S.	6	13	20	27	S.	3	10	17	24	
Ch.	3	10	17	24	31	Ch.	7	14	21	28	Ch.	7	14	21	28	Ch.	4	11	18	25	
P.	4	11	18	25		P.	1	8	15	22	P.	1	8	15	22	P.	5	12	19	26	
J.	5	12	19	26		J.	2	9	16	23	J.	2	9	16	23	J.	6	13	20	27	
Sh.	6	13	20	27		Sh.	3	10	17	24	Sh.	3	10	17	24	Sh.	7	14	21	28	
Yo.	7	14	21	28		Yo.	4	11	18	25	Yo.	4	11	18	25	Yo.	1	8	15	22	29

MAY					IYUN					IYUL					AVGUST								
D.	7	14	21	28	D.	4	11	18	25	D.	2	9	16	23	30	D.	6	13	20	27			
S.	1	8	15	22	29	S.	5	12	19	26	S.	3	10	17	24	31	S.	7	14	21	28		
Ch.	2	9	16	23	30	Ch.	6	13	20	27	Ch.	4	11	18	25		Ch.	1	8	15	22	29	
P.	3	10	17	24	31	P.	7	14	21	28	P.	5	12	19	26		P.	2	9	16	23	30	
J.	4	11	18	25		J.	1	8	15	22	J.	6	13	20	27		J.	3	10	17	24	31	
Sh.	5	11	18	25		Sh.	2	9	16	23	30	Sh.	7	14	21	28		Sh.	4	11	18	25	
Yo.	6	13	20	27		Yo.	3	10	17	24		Yo.	1	8	15	22	29		Yo.	5	12	19	26

SENTABR					OKTABR					NOYABR					DEKABR							
D.	3	10	17	24	D.	1	8	15	22	29	D.	5	12	19	26	D.	3	10	17	24	31	
S.	4	11	18	25	S.	2	9	16	23	30	S.	6	13	20	27	S.	4	11	18	25		
Ch.	5	12	19	26	Ch.	3	10	17	24	31	Ch.	7	14	21	28	Ch.	5	12	19	26		
P.	6	13	20	27	P.	4	11	18	25		P.	1	8	15	22	29	P.	6	13	20	27	
J.	7	14	21	28	J.	5	12	19	26		J.	2	9	16	23	30	J.	7	14	21	28	
Sh.	1	8	15	22	29	Sh.	6	13	20	27		Sh.	3	10	17	24	Sh.	1	8	15	22	29
Yo.	2	9	16	23	30	Yo.	7	14	21	28		Yo.	4	11	18	25	Yo.	2	9	16	23	30

МУЧАЛИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Мучал тақвими 22 мартда бошланади. Ҳозирги тақвимдаги январь, февраль ва 21 мартгача бўлган давр олдинги мучал йили ҳисобига қиради. Одатда, одам ёши мучал йили билан ҳисобланганда, унга яна бир йил қўшилади.

Мучал йили — 21 мартдан келгуси йилнинг 21 мартгача давом этади.

Қуйида мучал йили номлари ва 2007 йилгача бўлган саналари берилмокда:

1. Сичқон	1900	1912	1924	1936	1948	1960	1972	1984	1996
2. Сигир	1901	1913	1925	1937	1949	1961	1973	1985	1997
3. Йўлбарс	1902	1914	1926	1938	1950	1962	1974	1986	1998
4. Қуён	1903	1915	1927	1939	1951	1963	1975	1987	1999
5. Балиқ	1904	1916	1928	1940	1952	1964	1976	1988	2000
6. Илон	1905	1917	1929	1941	1953	1965	1977	1989	2001
7. От	1906	1918	1930	1942	1954	1966	1978	1990	2002
8. Қўй	1907	1919	1931	1943	1955	1967	1979	1991	2003
9. Маймун	1908	1920	1932	1944	1956	1968	1980	1992	2004
10. Товук	1909	1921	1933	1945	1957	1969	1981	1993	2005
11. Ит	1910	1922	1934	1946	1958	1970	1982	1994	2006
12. Тўғиз	1911	1923	1935	1947	1959	1971	1983	1995	2007

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
•
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Манзилими3:

700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:

хатлар ва оммавий ишлар
бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-40-48,
136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.